

## ПЕДАГОГИКА ВА ПСИХОЛОГИЯДА ИННОВАЦИЯЛАР ИННОВАЦИИ В ПЕДАГОГИКЕ И ПСИХОЛОГИИ INNOVATIONS IN PEDAGOGY AND PSYCHOLOGY

---

### ҚАДИМГИ ЦИВИЛИЗАЦИЯЛАР: КАСБИЙ ТАЙЁРГАРЛИК АНЪАНАЛАРИ

Дилноза Бегматова,  
Самарқан давлат чет тиллар институти катта ўқитувчиси  
dbegmatova@list.ru

**For citation:** Dilnoza Begmatova. ANCIENT CIVILIZATIONS: THE TRADITIONS OF OCCUPATIONAL BACKGROUND. Innovations in pedagogy and psychology. 2019, 1 vol., issue 2, pp. 22-27



<http://dx.doi.org/10.26739/2181-9513-2019-1-4>

---

### АННОТАЦИЯ

Мақолада зардуштийлик дини ва унинг муқаддас манбаларида касблар классификацияси, касбга нисбатан ижтимоий табақаланиш асослари, касб танлашнинг инсон мавқеи ва келажагидаги муҳим аҳамияти борасида сўз боради. Касбга эга бўлишнинг ижтимоий-маънавий омиллари, касб ва ҳунарнинг инсон ҳаёт таъминоти асоси эканлиги, касбий тайёргарликнинг қадимий шакллари, касбий йўналтирилганликнинг жамият учун аҳамияти каби масалалар кўриб чиқилади.

**Таянч гушунчалар:** зардуштийлик, "Авесто", касб, ҳунар, ижтимоий-маънавий омил, инсон, жамият, касбий тайёргарлик.

---

### ДРЕВНИЕ ЦИВИЛИЗАЦИИ: ТРАДИЦИИ ПРОФЕССИОНАЛЬНОЙ ПОДГОТОВКИ

Дилноза Бегматова,  
старший преподаватель Самаркандского государственного института  
иностранных языков

### АННОТАЦИЯ

В статье рассматривается классификация профессий в религии зороастризма и его священных источников, принципы социальной стратификации профессии, важность профессионального выбора в человеческом положении и в его будущем. Социально-духовные факторы занятости, профессии и навыков являются основой выживания людей, древних форм профессиональной подготовки, важности профессиональной ориентации для общества.

**Ключевые слова:** зороастризм, "Авесто", специальность, ремесло, социально-духовные факторы, человек, общество, профессиональная подготовка.

---

## ANCIENT CIVILIZATIONS: THE TRADITIONS OF OCCUPATIONAL BACKGROUND

**Dilnoza Begmatova,**

Senior lecturer at the Samarkand State Institute of Foreign Languages

### ANNOTATION

The article deals with the classification of occupations in the religion of Zoroastrianism and its sacred sources, the principles of social stratification of the profession, the importance of vocational choice in human position and in his future. The socio-spiritual factors of occupation, the profession and the skills are the basis of human survival, the ancient forms of professional training, and the importance of professional orientation for society.

**Key words:** zoroastrianism, "Avesto", specialty, craft, socio-spiritual factors, person, society, professional training.

**М**еҳнат - инсоннинг мақсадли, онгли фаолияти бўлиб, индивиднинг ўз шахсий ҳамда ижтимоий эҳтиёжларини қондириш учун амалга оширилади. Меҳнат жараёнида инсон меҳнат қуроллари ва воситалари ёрдамида табиий воситаларни ўз шахсий эҳтиёжлари учун ўзлаштиради, уларни ўзгартиради ҳамда ўз мақсадларига мослаштиради. Демак, меҳнат жараёнида инсоннинг турли иқтисодий, моддий, ижтимоий мақсадлари ва мазкур мақсадларни амалга ошириш нияти ётади. Шунга қўра, меҳнат жараёни ишлаб чиқаришнинг асосий омилларидан бўлиб хизмат қилган.

Ишлаб чиқариш жараёнининг келиб чиқишида жамиятнинг моддий, иқтисодий, ижтимоий эҳтиёжларининг ҳаддан ташқари ўсиши натижасида меҳнат умумийлигини ташкил қилиш ва ривожлантириш вазияти вужудга келади. Ишлаб чиқариш асосида мазкур эҳтиёжларни қўплаб умумийлашган меҳнат ёрдамида таъминлаб бера олиш имконияти ётади. Мазкур вазият ва талаб ишлаб чиқаришда меҳнатнинг бўлинишига олиб келган. Меҳнатнинг бўлиниши турли касб, ҳунар эгаларининг турли моддий, маънавий, ижтимоий зарур эҳтиёжларни қоплаш учун яратилган ранг-баранг товарларнинг ишлаб чиқарилишига олиб келган. Бу ҳолат эса, ўз ҳолида турли ҳунарлар, касбий мутахассисликларнинг келиб чиқишига сабаб бўлган.

**Ҳунар** - қўлда ишлаб чиқариладиган майда товарларни ишлаб чиқариш жараёни бўлиб, у меҳнат қуроллари ва меҳнат маҳорати, ёки мутахассислик маҳоратини тақозо этади.

**Касб, мутахассислик** - инсоннинг ижтимоий муҳим ва аҳамиятга эга бўлган меҳнат фаолиятидир. Касблар, мутахассисликларнинг келиб чиқиши ва меҳнат жараёнининг илк умумлашуви инсонлар ўтроқ бўлиб яшайган даврларга бориб тақалади. Товарлар айирбошлаш жараёнининг юзага келиши турли касблар асосида инсонлар меҳнатининг ўзаро ажралувига асос бўлиб хизмат қилган. Ўтроқ ҳаётда бир одам ҳам ўзига ўзи идишлар ясаши, ҳам металлдан қишлоқ хўжалиги ашёларини ишлаб чиқариши, ҳам қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириб бериши мумкин бўлмай қолган. Шунга қўра, мутахассисликлар ва касблар ўзаро мустақил бўла бошлаган.

Касб-ҳунар ўз тадрижий ривожи жараёнида қуйидаги босқичларни босиб ўтган:

а) уй-рўзгор ҳунарамандчилиги, яъни ҳар бир одамнинг ўзи учун маълум товарларни ишлаб чиқариш;

б) буюртма асосида мазкур товарларнинг кенг аҳоли қатламлари учун ишлаб чиқариш ва тарқатиш, бирор бир ҳунар бўйича махсус мослашиш;

в) маълум товарларни бозорда сотиш учун мақсадли ишлаб чиқариш.

Илк цивилизациялар давриданоқ касбий эҳтиёжлар ва малакаларни ўқитиш масаласи инсон фаолиятининг муҳим йўналишига айланган. Агар қадимги дунё ва ўрта асрлардаги турли касб-у корлар, ҳунарларни ўргатишга бағишланган таклифлар, гоёлар, қарашларни ўргансак, улар асосан касб-у корга эга бўлиш, ҳунар эгасига айланиш ҳар бир кишининг ўзига боғлиқ эканлиги, булар инсон ҳаётининг асоси эканлигига жуда катта аҳамият берганлигига гувоҳ бўламиз. Касб, ҳунар, мутахассислик турли жамиятлар маънавий-ахлоқий қадриятлари тизимида ҳар вақт қадрланиб, эъзозланиб келинган.

Қадимий Шарқ ҳалқларининг маданий мероси илдишлари узоқ ўтмишга бориб тақалади. Бизнинг ҳудудимизда тарқалган илк тамаддунлардан бири сифатида Зардуштийлик эътироф этилади. Зардуштийликнинг муқаддас китоби "Авесто"дир. "Авесто" Ўрта Осиё халқларининг энг қадимги ёдгорлиги намунаси саналади.

"Авесто"да турли касб эгалари, турли ижтимоий қатламлар ва уларнинг вазифалари борасида ҳам сўз боради. Масалан, руҳонийлар, ҳарбийлар, деҳқонлар ва уларнинг мажбуриятлари аниқ таҳлилга олинади. Руҳонийларнинг мажбурияти жамиятда руҳий кўтаринкилик ва Ахура Маздани улуғлаш - аслида ҳаётни улуғлашдан иборат эканлиги таъкидланади. Яхшилик ва ёмонлик тўқнашувидан яхши амаллар орқали борлиқ ва атроф муҳитни, инсон қалбини покиска қилиш учун сайи-ҳаракат қилиш руҳонийларнинг фаолиятида энг устун вазифа эканлиги уқтирилади. Шу билан бирга оташпарастрларнинг турли кундалик урф-одатларини, удувларини ҳам руҳонийлар бошқариб туриши таъкидланади.

Зардуштийликда энг ҳурматли ва мавқеи баланд ижтимоий гуруҳлардан бири сифатида ҳарбийлар сўзга олинади. Ҳарбийларни тайёрлаш учун узоқ муддат ва катта жисмоний машқлар жараёни зарур эканлиги таъкидланади. Ҳарбийлар ўз кучини эзгулик кучлари, яъни Ахура Мазда ҳимоysi учун ишлатмоқлари зарур.

Зардуштийликда алоҳида ҳурмат ва эътиборга сазовор бўлган ижтимоий қатламлардан бири бу - деҳқонлардир. Зардуштийлик бўйича ерга дон эккан ва унинг чиқишини таъминлаган одам яратганга яқин одамдир. Энг улуғ ва эзгу ишлардан бири эса дон билан одамларни тўйдириш ҳисобланган.

**Зардуштийлик бўйича Ахура Мазданинг олтига энг яқин ёрдамчилари мавжуд. Уларни Амэша Спента деб юритилади. Улар:**

Воху Манаҳ - эзгу фикр

Аша Виҳишта - юксак ҳақиқат

Хшарта Варья - муносиб қудрат, ҳокимият

Спэнта Армати - муқаддас итоат

Ҳарватат - саломатлик

Амэрэат - мангуликдир. [4,10]

Мазкур кучларга ўзаро боғланган вазифалар кўлами ҳам мавжуд бўлган. Жумладан, Воху Манаҳ пода ва чорвани бошқарган, Аша Виҳишта - оловни бошқарган, Хшарта Варья - маъданларни, Спэнта Армати - ерни, Ҳарватат - сувларни, Амэрэат - ўсимликлар дунёсини бошқарган. Ҳар бир куч мана шу ўзи бошқараётган табиий стихиялар билан боғлиқ иш олиб борувчи касб-ҳунар эгаларига раҳнамолик қилган.

Зардуштийликда тўртинчи уч минг йиллик оташпарастрлар эътиқодининг йўлбошчиси Заратуштранинг тугилишидан бошланади. Заратуштра ер юзида ўзининг таълимоти ва эътиқодини тарғиб эта бошлайди. Заратуштранинг уч ўғли бўлади. Мана шу уч ўғилдан алоҳида мавқега эга бўлган руҳонийлар, ҳарбийлар ва деҳқонлар ташкил топади.[4,12]

Зардуштийликда инсоннинг яшашдан бош вазифаси ва мақсади - эзгулик кучлари ва мақсадларига хизмат қилишдан иборатдир. Шунга кўра, сувсиз ерларга сув чиқариш, ободонлаштириш, ишланмаган ерларга ишлов бериш, ерга ҳурмат, ерни ҳосилга киргизишга ҳаракат қилиш, инсонларга ризқ рўз улашиш ва одамларни овқат ва емиш билан таъминлаш улуғланади.

Зардуштийликда сув бу - куч, улуғлик, мўл-кўллик белгисидир. Сувсиз ҳаёт ҳам йўқ. Шунга кўра, ариқ қазиш, сув чиқариш савоб ишлардан саналади. Қўриқ ва ташландиқ ерларни ўзлаштириш, чўлга сув чиқариш, ботқоқликларни қуриштириш, ерга экин экиб, ҳосил олиш Ахура Маздага ёқадиган улуғ ишлардан саналган. Ахура Мазда - энг олий вужуд бўлиб, унинг қудрати улкандир. Инсондаги барча эзгу амаллар унга қилинган эътиқод орқали ўзини намоён этади. Бинобарин, мана шу барча ишларни қилишга қодир бўлган касб-ҳунар эгалари бўлган. Улар меҳнати улуғланган ва савоб ҳисобланган.

Янги ёпилган нон ҳиди энг ёқимли ҳидлардан саналган. Чорвага эътибор бериш кераклиги айtilган. Ерга уруғ экин экиш ёки ерни сув билан сугориш ўн минг марта тиловат қилиш билан баробар эканлиги таъкидланади. Экин экиш - ёвузликни тугатишга тенг келтирилади. Уй ҳайвонларини боқиш тарғиб қилинади.[4,13]

"Авесто"да инсон ва жамият ҳаётининг узвийлиги илк ижтимоийлашув омилларида намоён бўлади. Чунки зардуштийликда бош эътиборлардан бири - болани чиройли қилиб тарбиялашга қаратилган. Зардуштийликда оилада болаларни тарбия қилиш вазифаси ота-оналар зиммасига юклатилар экан, бу уларга маълум ижтимоий вазифаларни юклатишга тенг келади. Агар инсон уй курса, унда у ўз оиласи ва фарзандлари билан биргаликда бахтли яшаса, мана шу энг олий бахт ҳисобланган. Зардушт ерни жаннатга айлантириш керак, деб тарғиб қилган. Инсон учун энг олий мукофот унинг тириклиги саналган. Инсон табиат ва ҳаёт орқали неъматларни топиши керак деб ҳисобланган.

"Авесто"да "ер" образи энг улуғ образлардан саналади. Ер - илоҳий мавжудоддир. Шунинг учун ерни булғаб бўлмайди. Фаровонлик ерни қувонтиради, самарасизлик ва урушлар, қон тўкилиши, урушлар - ерни қайғуга солади, деб ҳисобланган.

"Авесто"да юқорида таъкидланган руҳоний, ҳарбий, деҳқонлардан ташқари чавандоз, галлакор, сувчи, сувлар ҳомийси, яйловчи, даштлар эгаси, диндор, чорвадор кабилар ҳақида Готлар ва Ведаларда таъкидлар учрайди.

Эзгулик, зардуштийлик бўйича эзгу фикр, юксак ҳақиқат, муносиб қудрат, яъни ҳокимият, муқаддас итоатдан сўнг келади. Эзгулик кучларини эса мангулик тугатади[5,10]. Зардуштийлик бўйича, инсоннинг асосий вазифаси - эзгулик кучлари ва мақсадларига хизмат қилишдан иборатдир. Демак, ерга ишлов бериш, ерни "боқиш", ер орқали инсонларга ризқ тарқатиш ва таъминлаш, бекор юрмаслик, яхши фарзанд тарбиялаш, уни малакали қилиш зардуштийликда инсоннинг энг асосий эзгу ишларидан саналган. Инсон ўз амаллари ва қадамларига, қилган ишларига яхши амал сифатида муносабатда бўлишга мажбур.

Зардуштийлик дини ва унинг муқаддас китоби "Авесто"да дунёнинг моддий асоси ҳисобланган ер, сув, олов ва тупроқ улуғланган[2,24]. "Тупроқ ва ҳаво шундай эъозланганки, ҳавони булғаш, ифлос қилиш, ерга ҳайвонлар ўлиги, одамлар жасадини кўмиш, сувга оқизиш катта гуноҳ ва жиноят ҳисобланган". "Авесто"да "таналарингизга нисбатан қалбингиз ҳақида кўпроқ қайғуринг". Қалб зардуштийликда эзгуликнинг намоён бўлиши бўлиб, қалбни покиза тута олган одамгина эзгулик учун хизмат қила олиши таъкидланган. Бинобарин, энг қадимги даврлардан бошлаб инсон қалби унинг покизалиги, ҳалоллиги, инсон қалбининг қандай ҳис-туйғулар билан тўйинганлиги, яъни тўлдирилганлиги жамиятни кизиқтирган. Мазкур мақсад, яъни инсон қалбини покиза ушлаш - жамиятнинг энг олий эзгу мақсадига айланган. Шунингдек, дон экиб, инсонларга ризқ берган одам улуғланган. "Девларни мағлуб қилиш учун хонадонда ҳам доим унли овқат бўлиши лозим", дейилган[6,46]. Шунга кўра, мана шу донни етиштириб берган деҳқон меҳнати ва шахси улуғланган.

"Авесто"да қариндошларнинг ўзаро оила қуриши таъкидланган, авлодларнинг соғлом, бениқсон тугилишига катта эътибор берилган. Фарзанд кўриш, уларни билимли, одобли қилиб тарбиялаш тарғиб қилинган. "Ўз нафсини енгиб, жиловлай олмаган киши, ҳеч нарса устидан ғолиб чиқолмайди", деб ҳисобланган[3,199].

"Хурда Авесто"да ўттиз фариштага бағишлов мавжуд, улардан еттинчи фаришта Мурдод - яхши тарбия ишлари ҳомийси, саккизинчи - Додор - яхши ишлар манбаи ҳисобланган. "Авесто"даги Рапитавн Офаринларида инсон учун энг улуг мукофот унинг тириклигидир, деб белгиланади. Зардуштга савол берилади: "Киши тириклигида қандай андозадан баҳра олади?". Мазкур саволга жавоб инсон ҳаётининг қадру-қимматига бағишланган жавоблар силсиласидан иборатдир. Жавоблар ичида "табиат билан биргалик, табиат бағишлайдиган хурсандлик кишининг тирикликдан топадиган олий баҳрасидир", дейилади[5,32].

"Авесто"да инсоннинг маънавий қадриятлари тизимида фарзандни jisмоний бақувват ва ахлоқий етук қилиб ўстириш, инсонга қўйиладиган ижтимоий-ахлоқий талаблар тизимининг ишланганлиги алоҳида ўрин тутати. Оила фарзанднинг фақат ўзининг ички эҳтиёжлари учун эмас, балки жамоа учун ҳам тарбия қилиши лозимлиги уқтирилади. Инсоннинг жамоа учун амалга ошириши зарур бўлган вазифалари кўлами белгилаб берилади. Уларнинг ичида эзгулик учун хизмат қилиш, жамоани таҳдидлардан асраш, жамоада тинчлик-тотувликни сақлаш, жамоада анъаналарнинг бир авлоддан иккинчи авлодга ўтишини таъминлаш, жамоада хунарларни тарғиб ва ташвиқ қилиш, бекорчиликдан ёшларни асраш кабилар мазкур тизимга киритилган.

Бизнинг заминимизда мавжуд бўлган энг қадимий ёдгорликлар ичида Сўғдларнинг буддавий фалсафий-ахлоқий ёзма мероси алоҳида ўрин тутати. Мазкур ёдгорликлар сўғд ёзувида ёзилган. Қадимда Бухоро, Самарқанд, Қашқадарё воҳалари, Зарафшон дарёсининг юқори оқимидаги Панж вилояти Сўғд мамлакати дейилган. Милoddан аввалги XII-XI асрларда бу ерларда сўғд номи билан машҳур бўлган аҳоли яшаган. Улар ҳақидаги илк ёзма маълумотлар милoddан аввалги VI асрга тегишлидир.

Улардан, масалан, "Қилмишларимизнинг сабаблари ва оқибатлари сутраси"ни эсга олиш жойиз. Сутранинг бош моҳияти ўша даврнинг инсон маънавий қиёфасига қўйилган талаблар мажмуидан иборат. Масалан, онгни яхшилик, эзгу амаллар томон йўналтириш, солиҳ тарбия, инсон маънавий поклиги масалалари,

ҳаётда, диний эътиқодда ҳалоллик ва содиқлик, ихлос билан такомил йўлидан оғишмай кетиш ва мана шу гоյ асосида ҳаёт кечириш масалалари сутрадан ўрин олган. Раҳм-у шавқат, саҳоватпешалик, жаҳолатни эзгу туйғулар ва фикрлар билан енгиш, муслиҳ табиатли бўлишга эришиш, тирик жонзотларга зарар етказмаслик, равнақ ва тараққиётга хизмат қилиш, мискин, бева-бечораларга сидқидилдан ёрдам бериш, дин ва диндорларга, билимли зиёлиларга иззат-у икром кўрсатиш, муқаддас китобга юксак ихлос кабилар сутрадан ўрин олган. Сутра бўйича инсоннинг бугунги ҳаёти унинг ўтмиш ҳаёт босқичларида яхши амаллари учун берилган мукофот ва ёки жазодан иборат.[1,37] Айниқса, Будда шаклида дунёга келиш шарафига муяссар бўлиш инсондан тинимсиз хайр-у саҳоват, поклик, тариқат ва меҳнат талаб этади.

Бинобарин, кишилик тамаддунининг илк ривожланиши даврлариданоқ, хусусан бизнинг заминимизда мавжуд бўлган илк цивилизациялар давриданоқ касб ҳунар айнан меҳнат жараёни билан боғланган. Илк тарихий даврлардаёқ инсон ҳаёти ва фаолиятини муайян тартибда йўлга қўйиш, унинг ҳаёт тарзини мутаҳкам қилиб, бойитувчи, инсон эҳтиёжларини қоплайдиган ишларни амалга ошириш, инсон ҳаёт тарзига ўз таъсири ўтказувчи турли омилларни ўрганиш асосида турли асбоб усқуналар ва қурол аслаҳаларни яратиш, фарзандларни касб ва ҳунарларга мақсадли ўргатиш, уларни ҳаётга тайёрлашга, касб ва ҳунарларнинг тутган ўрнига алоҳида эътибор бериш илк ва қадимги жамятлар маънавиятининг ажралмас таркибий қисми сифатида шаклланган.

#### Фойдаланилган адабиётлар:

1. Исҳоқов М., Отахўжаев А. Сугдларнинг буддавий фалсафий-ахлоқий ёзма меросидан. // Қадимги ёзма ёдгорликлар. - Т.: Ёзувчи, 2000.  
(Iskhakov M., Otahujayev A. From the Buddhist philosophical and moral writings of Sugd. // Old written monuments. -T.: "Yozuvchi" publishing house, 2000.)
2. Йўлдошев Ж., Ҳасанов С. "Авесто"да ахлоқий-таълимий қарашлар. -Т.: Ўқитувчи, 1992.  
(Yuldashev J., Hasanov S. Ethical and educational views in Avesto. -T.: "O`qituvchi" publishing house, 1992.)
3. Умарзода Муҳсин. Авесто сирлари. // Жаҳон адабиёти, 1997, 4-сон.  
(Muhsin Umarzoda. Secrets of Avesto. // World Literature magazine, 1997, 4th edition.)
4. Қаюмов А. Авесто. // Қадимги ёзма ёдгорликлар. - Тошкент: "Ёзувчи", 2000.  
(Qayumov A. Avesto. // Old written monuments. - Tashkent: "Yozuvchi" publishing house, 2000.)
5. Қаюмов А., Исҳоқов М., Отахўжаев А., Содиков Қ. Қадимги ёзма ёдгорликлар. -Т.: Ёзувчи, 2000.  
(Qayumov A, Iskhokov M., Otahujayev A., Sodiqov Q. Old written monuments. -T.: "Yozuvchi" publishing house, 2000.)
6. Ҳасанов С. Хоразм маърифати - олам кўзгуси. -Т.: Ўқитувчи, 1996.  
(Hasanov S. Khorezm Enlightenment - A Miracle of World. -T.: "O`qituvchi" publishing house, 1996.)